

«balogʻatga yetmagan yoshlarning qilgan gunohlari ota-onasiga yuklanadi»

21:32 / 27.04.2016 4840

Балоғатга етмаган ёш йигит ёки қиз бола билмасдан гуноҳ қилиб қўйди, дейлик. Балоғатга етганида қилган гуноҳи кабиралигини англаб етса, қилган гуноҳидан қаттиқ изтироб чекса, «балоғатга етмаган ёшларнинг қилган гуноҳлари ота-онасига юкланади» маънодаги сўзларни китоблардан ўқиса ва шу қилган гуноҳлари ота-онасига тушмаслигини қаттиқ хохласа, шу ҳолатда қанақа йўл тутишни маслаҳат берасиз?

Бу динга қаттиқ эътиқод қилган, ота-онасини ҳам ҳурматини қилган. Ўзи билмасдан бир нарсаларни қилиб қўйиб кейин ўқиниб юрган мухлис бир инсонларнинг гапи. Бу ерда ҳозирги кунимизнинг вазияти, воқелиги ўзини бир тарафдан аксини топган. У ҳам бўлса кўпчилигимиз бирор ердан эшитиб олган гапни ёки бирор китобда ўқиб ўтилагну тўлиқ бир фикр ҳосил бўлмасдан узук юлиқ баъзи-бир маънолар қолган. Ана шуни асосида яшаш, изтироб чекиш, уни ҳал қилиш учун уруниш бўлаётганлигини намунаси бўлади. Бу ерда мана балоғатга етмаган ёшларнинг қилган гуноҳлари ота-онасига юкланади маънодаги сўзларнинг китобдан ўқиса. Қайси китобдан ўқиган бу маъноси бўлсаю ўзи асли нима, китобни ким ёзган, булардан беҳабар. Лекин маънони тахминий равишда эсида қолгани бор халос. Ана ўша маънода изтироб чекмоқда, саволни эгаси ўзи балоғатга етмасдан туриб бир гуноҳ ишни қилган у гуноҳи гуноҳи кабира эканлигини кейин балоғатга етгандан кейин тушунган. Ва ҳалиги тахминий маъно ҳаёлига ўрнашиб қолган, балоғатга етмаган бола гуноҳи кабира қилса уни гуноҳи ота-онасига юкланади деган тахминий маъно. Қаерда ўқигани ёдида йўқ, қайси китобдалиги ёдида йўқ, аниқ маъно ёдида йўқ. Ана шу бугунги кунимизнинг кенг тарқалган воқеликларидан бири ҳисобланади. Деярли кўпгина саволлар, мулоқотларда билдирилаётган фикр ва мулоҳазаларда мана шу нарсани яққол сезилиб туришини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Айтишгандек бўлган эди, эшитгандек бўлган эдим, ўқигандекман, каби гапларни асосида масала сўралади. Шуни асосида ҳукм чиқаришга ҳаракат бўлади, шуни асосида мана мактубдгига ўхшаб ташвиш чекилади, ғам-ғуссага ботилади, яна бошқа-бошқа ҳолатлар бор. Бундай нарсаларда демак йўл қўймаслик керак, билган нарсани таги-туги билан чиройли қилиб билишга, бир нарсани ўқиса қўйси китобдан ўқияпти, бу маъноси нима ўзи, китобни ким

ёзган. Бир диний таълим кўриб катта уламоларни шаҳодатномасини, руҳсатини олиб, ўзини илмини, амалини, тақвосини исбот қилган бир одам ёзаяптими ёки қандайдир бошқа бир мутахасисликни одами ўзича бир фикр билдирганми ёки бошқами буларни ажратиш керак бўлади. Аслида балоғатга етмаган ёшларни қилган гуноҳлар ота-онасига юкланади деган гапни йўқ. Балки аксинча бор, "балоғатга етмаган болаларнинг қилган савоблари ота-оналарига ёзилади" деган гап бор. Гуноҳни юкланиши, ҳисоб-китоб қилиниши, савол жавоб бўлиши балоғатга етгандан сўнг бошланади. Балоғат, гуноҳ деган тушунчалар айнан мана шу маънони ифода қилиш учун балоғатга етмаган инсонлар уларга ибодатларни бажариш таклиф қилинмайди ва қилинган баъзи-бир нотўғри ишларига гуноҳ ёзилмайди. Агар балоғат ёшига яқинроқ ёшдаги ўсмирлар бўлса, уларни қилган ишларига тазир берилади, лекин шаръий жазо қўлланмайди. Ана шу маънони яхши билиб олишимиз керак, гуноҳларнинг ёзилиши, унга жавобгарлик бўлиш маънолари айнан таклиф ёшидан кейин бошланади, балоғатга етгандан кейин бошланади. Балоғатга етмаган ёшларни қилган гуноҳлари ота-онасига юкланади, деган маънони жуда бир нозик эканлигини тушунишимиз керак. Балки аксинча ёш болаларни намоз ўқиса ўзига ҳали фарз бўлмаган, рўза тутса ёки қандайдир бошқа савобли ишаларни қилса ана шуни савоблари ота-онасига ёзилиши тўғрисида гаплар бор. Агар мана шу балоғатга етмаган ёшларни қилган гуноҳлари ота-онасига юкланади деган маъно ҳақиқатан бўлса, биз буни билмаган бўлсак, билган одамлар хабар берсалар ана шуни бир ўқиб мулоҳазасини қилсак яна ҳам яхши бўлар эди.